



МАСЪУД САМАРҚАНДИЙ ЯШАГАН ДАВР ТАРИХИЙ-ИЖТИМОЙ ТАВСИФИ

Усманова Хулкар Маматовна

Ўзбекистон халқаро ислом академияси таянч докторанти

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8012268>

ARTICLE INFO

Received: 28th May 2023

Accepted: 05th June 2023

Online: 06th June 2023

KEY WORDS

Мўғуллар ҳукмронлиги, Мовароуннаҳр, тарихий-ижтимоий тавсиф, ҳанафий мазҳаби, фикҳ, Масъуд Самарқандий, “Салоти Масъудий” асари.

ABSTRACT

Мазкур мақолада Масъуд Самарқандий яшаган даврнинг тарихий-ижтимоий тавсифи ҳақида сўз боради. Дарҳақиқат, XIII-XIV асрларда Мовароуннаҳр ҳудуди мўғуллар ҳукмронлиги билан боғлиқ зиддиятли ва мураккаб жараёнларни бошидан кечирди. Шунга қарамай минтақанинг қўхна маданияти тараққиётдан тўхтаб қолмади. Бу эса, шубҳасиз, ўлка маънавий мероси ва қадриятларини мазмунан бойитиб, юксалишига ижобий таъсир кўрсатди.

Бу даврда турли соҳадаги илмлар ривожининг бутунлай тўхтаб қолмагани, муайян вақтдан сўнг мўғул ҳукмдорларининг ислом динини қабул қилиши, таназзулга юз тутган минтақанинг маданий-маърифий жиҳатдан юксалиб боришига асос бўлиб хизмат қилди.

Мазкур даврда яратилган манбаларни тадқиқ этиш орқали мўғул ҳукмдорларининг ўз давлат бошқаруви тартибини жорий этишда ислом ҳуқуқшунослигига эътибор беришлари минтақада фикҳ илми ривожига ижобий таъсир кўрсатгани маълум бўлади. Мовароуннаҳрдаги ҳанафий фикҳи ривожига Масъуд Самарқандий каби самарқандлик фақиҳ олимларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлди.

Маълумки, бизнинг халқимиз азал-азалдан маърифатга интилиб яшаган. Айниқса, Мовароуннаҳр ва Хуросонда халифалик ҳукмронлиги тугатилиб, мустақил Сомонийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Хоразмшоҳлар давлати қарор топгач, ислом таълимоти, шариат аҳкомлари ва илму маърифатга янада эътибор кучайди. “Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ нормаларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илм марказларига



айлантирилди”[1]. Бу даврда, яъни XII-XIII асрларда қулай шароит туфайли Ўрта Осиёнинг мазкур ва бошқа шаҳарларида фақиҳлар сони кўпайди[2].

Кейинчалик, XIII асрнинг биринчи ярмида Чингизхон ва унинг ворисларининг истилочилик урушлари натижасида Мўғуллар давлати барпо этилди.

Чингизхон қўшинининг Ўрта Осиёга бостириб кириш тафсилотлари кўплаб тарихий манбаларда батафсил баён этилган. XIII-XIV асрларда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт, илмий-маърифий муҳитни ўрганишга оид ёзма тарихий манбалардан Ибн Асир (555/1160-630/1233 йй.), Минҳожиддин Усмон ибн Сирождидин Жузжоний (XII-XIII), Ота Малик Жувайний (622/1225-682/1283 йй.), Рашидидин Фазлуллоҳ (645/1247-718/1318 йй.), Шиҳобиддин Муҳаммад Насавий (XIII), Ибн Баттута (704/1304-779/1377 йй.), Ҳасанхожа Нисорий, Мавлоно Муҳаммад Дўстий (XVI), Жамол Қарший3 (ваф. XVI аср боши) каби муаррихларнинг асарлари Алоуддин Бухорий яшаган даврдаги тарихий жараённи ўрганишда бирламчи манба вазифасини ўтайди. XIII асрнинг иккинчи ярмида Плано Карпини, Ц. де Бридиа ва Рубрук, кейинроқ Марко Поло ва бошқа сайёҳларнинг Ўрта Осиёга қилган саёҳатлари давомида ёзиб қолдирган солномалари ҳам диққатга сазовор4. Зотан, улар бошқа миллат ва маданият вакиллари бўлиб, минтақа халқларининг маданияти, турмуш тарзини диққат билан кузатиб, нозик жиҳатларигача ёзиб қолдирганлар.

Марказий Осиё, хусусан, Самарқанднинг XIII-XIV асрлар тарихи кейинги давр олимларини ҳам қизиқтириб келган[3]. Аммо истилодан кейинги дастлабки йилларни таҳлил этиш долзарб масалалардан ҳисобланади. Айниқса, бу жараёнда фақиҳлар ўрни борасидаги масалага ойдинлик киритиш зарур. Мазкур масала тадқиқотчилар томонидан етарлича ёритилмаган.

Мўғуллар истило қилинган Мовароуннаҳр халқини ҳар доим ҳам куч билан ушлаб туриш мумкин эмаслигини яхши тушуниб етганлар. Бу даврда Мовароуннаҳрда аксарият аҳоли ислом дини арконларини қаттиқ тутиб, мусулмон эътиқодида қатъий бўлган. Мўғуллар бу ерда янги дин ташкил қилиш ёки ўзларининг динларига киритиш орқали халқ билан чингизийлар ўртасида яна уруш-жанжаллар чиқаришни хоҳламас эди. Мўғуллар ўша замондаги мусулмон диний арбобларидан халқ орасида мўғуллар ҳокимиятига тўла итоатда бўлишга тарғиб этишни талаб қилдилар.

Мусулмон уламолари олдида икки йўл бўлиб, биринчиси, истилочиларга қарши халқни оёққа турғазиб, душман билан жанг қилиш бўлса, иккинчиси, мўғуллар ҳукуматининг муайян талабларини бажариб, халқ билан мўғуллар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш турар эди. Агар уламолар биринчи йўлни танлаганда, халқнинг қирилиб кетишига олиб келар эди. Уламолар бу борада оқилона йўл тутиб, ўз яшаш услуби ва эътиқодини сақлаган ҳолда, мўғулларга бўйсунуш ва халқнинг муайян эркинлигига эришишди. Мўғуллар низо ва келишмовчиликларнинг олдини олиш, халқнинг ишончини қозониш ниятида уламоларга эркинлик бериб, зарур амалий асарлар ёзиш талаби билан мурожаат қилганлар. Мана шундай асарлардан бири Масъуд ас-Самарқандий “Салоти Масъудий” асаридир.

Ислом маданиятига йирик фақиҳларни етказиб берган Самарқанд мактаби фаолияти XII асрнинг охири ва XIII аср ўрталарида маҳаллий маданият билан киришиб кетди ва мўғуллар даврида ҳам ўз таъсир кучини сақлаб қолди. Демак, мўғуллар



истилоси даврида бузғунчилик ҳаддан ошишига қарамай, илм ва фан аҳли ўз мавқеини бир қадар сақлаб қолишга эришди. Қорахонийлар даврига нисбатан фикҳнинг даражаси жуда юқори бўлмаса ҳам, унинг илмлар таснифидаги ўрни йўқолмади. Зеро, бу жараёнда исломий ҳукмлар мусулмон аҳолисигагина эмас, балки янги ҳукуматга ҳам маъқул ва мақбул келгани кузатилди. Чунки “янги давлат” фуқароларни ва ўтроқ давлатни бошқаришда айнан уламоларнинг тажриба ва кўникмаларидан фойдаланди[4].

Мўғулларнинг исломни қабул қилишида олимларнинг ўрни катта бўлган. Жумладан, Ботухоннинг кичик укаси Берка хон мутасаввиф олим Сайфиддин Бохарзий (586/1190-659/1261 йй.) таъсирида ислом динини қабул қилади. У мўғул хонлари томонидан “Шайхул-олам” номини олади[5].

XIV аср биринчи ярмига келиб, Чиғатой улусида мўғулларнинг ўтроқликка ўтиш жараёни тезлашди ва уларнинг ижтимоий ҳаётида жиддий ўзгаришлар содир бўлди. Чиғатой хонларидан бўлган Кепакхон (718/1318-726/1326 йй.) Мовароуннахрнинг маҳаллий зодагонлари ва олимлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш ва ўтроқ ҳаёт кечиришга интилди. Ибн Баттутанинг келтиришича, Кепакхон фақиҳ, воиз Бадруддин Майдоний билан бўлган суҳбатдан сўнг фақиҳга ва барча мусулмонларга ғамхўрлик кўрсата бошлаган[6].

733/1333 йилда Мовароуннахрда бўлган араб сайёҳи Ибн Баттута Чиғатой улуси хони Тармаширинни (734/1334-778/1376 йй.) масжидда учратганини алоҳида қайд этиб ўтади. Бу даврга келиб Мовароуннахрда ўрнатилган нисбатан сиёсий барқарорлик иқтисодий ҳаётнинг жонланишига, мўғуллар истилоси даврида хароб бўлган шаҳарлар, хунармандчилик, савдо-сотик ва деҳқончилик каби соҳаларнинг тикланишига олиб келди. Йирик шаҳарлар Урганч ва Бухоро қайта қурила бошланди, Самарқанд янгидан барпо этилди. Шаҳар бозорлари гавжумлашди. XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV аср бошларида шаҳар ва қишлоқларда хўжалик ҳаётининг жонланиши натижасида мўғуллар истилоси даврида инқирозга юз тутган фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг тармоқлари ҳам тиклана борди. Бу даврда, биринчи навбатда, шаҳарсозлик билан боғлиқ бўлган бинокорлик ва меъморчилик йўлга қўйилди.

Мовароуннахрдаги шаҳар вайроналари орасида маҳобатли иморат иншоотлар, масжид, мадраса, хонақоҳ, мақбара, минора ва саройлар қад кўтара бошлади. Савдо-сотик ва хунармандчилик марказларига айлана борган Андижон, Қарши, Урганч қайтадан таъмирланди. Олдинги мавқеини тиклаган Самарқанд, Бухоро, Шош ва Термиз сингари шаҳарларнинг ўзига хос меъморчилик қиёфаси шакллана бошлади.

Маданий тикланиш, ободонлаштириш Самарқандда ҳам амалга оша бошлади. Машҳур Шоҳизинда меъморий ансамблининг асосий қисми бўлган Қусам ибн Аббос мақбарасининг зиёратхонасини ҳам меъморчиликнинг гўзал намуналаридан бири сифатида тикланди. Шоҳизинда мажмуи шаҳар учун янги меъморий ечимлар, турлитуман нақшлар уйғунлигини жамлаган ўзига хос ижодий устахона вазифасини ўтади. Унда Амир Темурдан олдинги даврларда (771/1370 йилгача) бўлган маҳаллий меъморлик мактабларининг услуб хусусиятлари ва Соҳибқироннинг зафарли юришларидан кейин майдонга келган янги услублари уйғунлашган[7].



Мўғуллар истилосидан кейин ҳам фикҳ илми ва фақиҳларнинг фаолияти тўхтаб қолмади, балки эндиги даврда ўзгача тарзда ривожланди. Яъни назарий асарлардан кўра, амалий асарларга эҳтиёж ошди. Бу давр хусусияти - авваламбор араб тили ўрнига форс тилининг кириб келиши билан боғлиқ бўлса, иккинчидан ислом назариётчиларининг мавқеи анча сусайиб, чуқур илмий асарлар ўрнига ҳанафий фикҳи ва мотуридийга каломга оид асарлар, шарҳлар пайдо бўлганлигида намоён бўла бошлади[8]. Бунга Масъуд ас-Самарқандийнинг илмий мероси ёрқин мисол бўлади.

Мўғуллар ҳукмронлиги (615/1218-771/1370 йй.) даврида мамлакатдаги сиёсий, ижтимоий, маънавий муҳитда ўзгаришлар юз берди. Бу ҳолни исломшунос Аширбек Мўминов “Мовароуннаҳр мусулмонлари: Ҳанафийлар” илмий мақоласида қуйидагича изоҳлайди: “...Ҳанафия Марказий Осиёда маҳаллий маданиятда чуқур из отиб, турли фирқалар билан битишиб кетиш жиҳатига эга бўлди. Буни илк даврда карромия билан ҳамкорликда кўрсак, кейинги даврда Баҳоуддин Исфижобий (XII аср, ҳанафия-яссавия алоқалари), Сайфиддин Бохарзий (ҳанафия-кубравия), Хожа Муҳаммад Порсо (ҳанафия-нақшбандия) фаолиятларида кўришимиз мумкин. Бунинг натижасида мазкур тасаввуф таълимотлари ҳанафия руҳи билан суғорилди”[1].

Мўғуллар босқини юртнинг сиёсий-ижтимоий ҳолати билан бир қаторда илмий-маънавий муҳитига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади. XIII-XIV асрларга келиб араб тилига эътибор сусайиб, форс тилидаги адабиётларга эҳтиёж кучайди. Хусусан, Самарқандда фаолият юритган Масъуд Самарқандий каби айрим фақиҳлар ўз асарларини форс тилида ёздилар.

“Анке фон Кюгельген[9] “Салоти Масъудий”ни хуросонлик машҳур олим Саъдуддин Масъуд Тафтазоний (722|1322-792|1390 й.) таълиф этган асар бўлса керак деб тахмин қилган[10]. Ўрта Осиё халқлари севиб мутолаа қилган “Салоти Масъудий” эса самарқандлик фақиҳ Масъуд ибн Маҳмуд ибн Юсуф ас-Самарқандий (XIV аср) қаламига мансуб асардир”[11].

“Салоти Масъудий” асари Марказий Осиёда кенг тарқалган ҳанафий мазҳабидаги барча мусулмонларнинг диний-ҳуқуқий соҳасига оид ҳаётий масалаларига бағишланган. Ўша давр анъанасига кўра асар катта ҳажмда ёзилган. Мазкур асар дастлаб 83 бобдан иборат[12] бўлиб, кейинроқ у фикҳий маълумотлар билан тўлдирилиб, 3 та бўлимга-жилдга ажратилган[13].

“Салоти Масъудий”нинг биринчи жилди асосан қуйидаги мавзуларни ўз ичига олган: намоз, Ҳазрат Имоми Аъзам маноқиблари, таҳорат, ғусл ва ҳоказо.

Иккинчи жилди: масх, таяммум, қибла, қироат, намоз, азон, жамоат фазилати, нафл намозлар, мурдаларни ювиш, саждалар ва ҳоказо масалаларга бағишланган бўлса;

учинчи жилди ҳуқуқий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган жузъийётлар: амалий ибодатлар (закот, рўза, ҳаж), оила ҳуқуқи (никоҳ, разоъ, талок, идда), қасам, олди-сотди, рибо, ижара, вақф, қурбонлик, худуд жазолари (Аллоҳ томонидан белгиланган жазолар), жиноят турлари, суд, даъво, гувоҳлик, қасос, сулҳ, жиҳод, васият, мерос ва бошқа кўплаб фикҳий мавзу ва масалаларни ўз ичига олган.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Масъуд Самарқандий яшаган давр айтилган мўғуллар ҳукмронлиги даврига тўғри келганлиги боис, маънавий ҳаётда катта илмий бўшлиқ пайдо бўлган эди. Шунга қарамасдан, бир қатор фақиҳлар орасида Масъуд



Самарқандий ҳам фаолият олиб борди ва ўзининг “Салоти Масъудий” асари билан фикҳ илмига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

References:

1. Мўминов А. Мовароуннаҳр мусулмонлари: ҳанафийлар || Шарқшунослик.-1999.-№ 9.
2. Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги, ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари.-Т.: Тошкент ислом университети, 2002.-Б. 181.
3. Қаранг: Бартольд В.В. – Т. 1. – Б. 446-584; Pelliot. A propos des Comans. – Б. 146; Browne E. G. A Literary History of Persia, vol. I. From the Earliest Times until Firdawsi. – Cambridge, 1902. – Vol. II. – Б. 527; Майский Г.В. Чингисхан // Вопросы истории. – 1962. – № 5. – Б. 74; D’Ohsson, Histoire des Mongols. – Т. III. – Б. 434.
4. Қаранг: Атаев М. Маждуддин ал-Уструшанийнинг Мовароуннаҳр фикҳ илми тарихида тутган ўрни. Тар. фан. ном. Дис... автореф. Т.: Тошкент ислом университети, 2011. – Б. 16.
5. Чехович О.Д. Бухарские документы XIV в. – Т.: Наука, 1965. – С. 9.
6. Иброҳимов Н. Ибн Баттута. Саёҳатнома. – Т.: Шарқ, 2012. – Б. 370.
7. Боқоний О. Муҳташам меъморий гулдаста // Ҳидоят. – Тошкент, № 7. 2006. – Б. 15-19.
8. Зиёдов Ш. Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонаси // Диншунослик фанларининг долзарб муаммолари (Тўплам I). – Т.: “ТИУ” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2009. – Б. 113.
9. “Олмониялик истеъдодли олима Анке фон Кюгельген қаламига мансуб «Ўрта Осиё манғитлар сулоласининг маҳаллий тарихнавислар асарларида легитимлаштирилиши» (XVIII-XIX асрлар) номли тадқиқотининг русча таржимаси “Дайк-Пресс” нашриёти томонидан чоп этилган. Тадқиқотнинг манбашунослик нуқтаи назаридан алоҳида эътиборга молик жиҳати шундаки, унда муайян атамалар ва нашр қилинмаган қўлёзма манбалар ҳақида ҳам маълумот берилган”. Жабборов Н. Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази. || Имом ал-Бухорий сабоқлари (маънавий-маърифий, адабий-илмий журнал).-2004.-№ 4.-Б. 293.
10. «Мне не удалось найти подтверждения наличия этой рукописи. Вероятно, речь идет об отрывке из произведения, автором которого является учёный Сададдин Масуд ат-Тафтазаний (ум. В 1390 г.), пользующийся большим уважением в Средней Азии» (қаранг: Анке фон Кюгельген. Легитимация среднеазиатской династии мангитов в произведениях их историков (18-19 вв.) Алматы: Издательство «Дайк-пресс», 2004. Б. 325).
11. Немис тили бўйича мутахассис Ғанижон Маҳмудовнинг таъкидлашича, ушбу лавҳадаги илк жумла «Diese Schrift konnte ich nicht nachweisen.»-“Мен бу қўлёзмани исботлай олмадим” деб таржима қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.
12. Бу ҳақда қаранг: Собрание восточных рукописей Академии Наук Узбекской ССР.-Т.: Издательство «Фан» Узбекской ССР, 1987. 11-том.-Ст. 294-297.
13. Масъуд ас-Самарқандий. Салоти Масъудий. ЎЗР ФАШИ № 4041. 1333 й. Самарқанд шаҳрида котиб Носир ибн Муҳаммад ибн Умар ал-Кирмоний ал-Ғазнавий томонидан сулс хатида кўчирилган. 244 в. Қўлёзма жилдларга бўлинмаган.



14. Қаранг: ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фонди инв. № 2639. - Ҳижрий 1061 (м. 1650-1651) йил кўчирилган.